

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган



ЯНГИ ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ

Мамлакатимизда истиқлол йилларида қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, тадбиркорлик, фермерлик ва хунармандчиликка кўплаб имтиёзлар берилгани туфайли мазкур соҳалар жадал ривожланиб, иқтисодий тизимнинг ҳал қилувчи кучига айланди. Айниқса, турли кўрик-танловлар ўтказилиб, юртимиз тараққиёти йўлида фидокорона меҳнат қилаётган ишбилармонлар муносиб рағбатлантирилаётгани уларни янги-янги марралар сари руҳлантириб, ташаббус кўрсатишга ундамоқда.



Шу маънода, "Ташаббус" кўрик-танлови бизнес муҳитини жадал ривожлантириш, иқтисодиётда хусусий секторнинг роли ва аҳамиятини ошириш, тадбиркорлар, фермерлар ва хунармандларнинг касб маҳорати ва билим даражасини юксалтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсади кўзлангани билан эътиборга лойиқ.

Олмалик шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида "Ташаббус – 2019" кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Танловда қатнашган юздан зиёд иштирокчилар иқтисодиётнинг турли тармоқларида ташаббускорлик ва фаолиятини намоён этиб, вилоятимизнинг иқтисодий имкониятларини мустаҳкамлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспорт талабига мос маҳсулотлар ишлаб чиқариш жараёнига ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Ташкил этилган кўргазмадан жой олган серкуёш зами-



нимизнинг олтин тупроғида етиштирилган нозу неъматлар, озик-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари тадбиркорлар, хунармандлар ўз йўналишлари бўйича юртимиз тараққиёти йўлида самарали хизмат қилаётганидан далолат беради. "Ташаббус"ни истиқболга

пойдевор ва мустаҳкам қанот, деб айтиш мумкин. Намойиш этилган экспозициялар нафақат ҳакамлар ҳайъати, балки иштирокчиларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Қувонарлиси, танловда қатнашаётганлар сафи йил сайин кенгайиб бормоқда. Улар қаторига иннова-

цион технологияларни қўллаган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқараётган тадбиркорлар, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланаётган фермерлар, халқ амалий санъатининг ўзига хос намуналарини тайёрлаётган усталар ва хунармандлар

қўшилмоқда. Ўтган йиллардан фарқли ўларок, бу гал "Ташаббус" танловининг дастлабки босқичларида 1 минг 100 дан ортиқ иштирокчи қатнашган.

Рашид ГАЛИЕВ
олган суратлар

Инсонпарварлик

Бағрикенглик, кечиримлилик, инсонпарварлик ҳалқимизга хос ва унинг ўзига хослиги, улуглиги, буюклиги ҳам шунда.

Президент фармони билан Муборак Рамазон ҳайити арафасида қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва тузалиш йўлига қатъий ўтган озоодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган 575 нафар фуқаро афв этилди.

АДАШГАННИ КЕЧИРМОҚ – МАРДНИНГ ИШИ

Айни пайтда фармон ижроси тегишли идоралар томонидан тўлиқ ижро этилди. Афв этилган шахсларнинг барчаси жазони ижро этиш муассасаларидан ўз уйига қайтди.

Улар ўз уйлари-га кириб борар эканлар, яқинлари, айниқса, фарзандлари кўзларидан кечкис қувонччи ҳеч нарсаси қиёслаб бўлмайди. Аслида афвдан мақсад фақат хато қилганини кечиртиш эмас, балки уларнинг оилаларига ҳам нур олиб киришдир.

Буни Нурафшон шаҳрида яшовчи Мўминовлар хонадонидан бўлганимизда, юракдан ҳис этдик. Узоқ вақт уйда бўлмаган хонадон соҳиби Бахтиёр Мўминовнинг келиши унинг икки нафар фарзанди, аҳли аёлини бахтиёр этди. Оиланинг хурсандчилигига уларнинг яқинлари, маҳалла-қўй ҳам шерик бўлди.

Қилмишидан пушаймонлик, хатодан тўғри хулоса чиқариш, тазарру туфайли эришилган афв туфайли содир бўлган дийдор, хурсандчилик... Булар инсон ҳаёти, тақдирда бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар. Муҳими, ибратли сабоқ, яхши яқун.



Б. Мўминов Жиноят кодексининг 159-моддаси, яъни Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига таъовуз қилишда айбланган. Асл диний билими етарли бўлмагани учун ҳам у диний-экстремистик руҳдаги оқимларга қўшилиб қолган эди. Узоқ йиллик озоодликдан маҳрум қилиш жазоси эса унга хатосидан хулоса чиқариш, асл динни англаш, тўғри йўлни танлаш учун ҳам имкон, ҳам сабоқ берди.

Президентимиз мен каби адашганларни афв этганидан чексиз миннатдорман, – дейди Бахтиёр Мўминов. – Асл бурч ва вазифа оиламни бахтли қилиш, юртга хизмат қилиш эканини жуда кеч тушундим. Кейинги ҳаётимда берилган имкондан, албатта, тўғри фойдаланаман.

Вилоятимизда қайси муаммо долзарблигича қолмоқда?

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ҳудудларга ташрифлари чоғида соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ўзгаришлар билан ҳам бевосита танишиб, камчиликларни бартараф этиш юзасидан муҳим топшириқлар бериб боради. Мақсад – ҳалқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, уларга сифатли, тез ва замонавий тиббий хизмат кўрсатишдир.



Давлатимиз раҳбари шу йил 1 июнь куни Тошкент вилоятига ташрифи чоғида ҳам ҳудудда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилиши зарур чора-тадбирлар бўйича бир қатор топшириқлар берган эди. Ана шу топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида Бўка тумани, жумладан, бу ердаги 7-қишлоқ оилавий поликлиникасининг намунали фаолиятини йўлга қўйиш бўйича Тошкент тиббиёт академияси, Республика ихти-

сослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари шифокорлари, клиник ординаторларидан иборат маҳсул исчи гуруҳ тузилди, деяр хабар бермоқда ўЗА. Мазкур исчи гуруҳга 3 июндан бошлаб бир ой давомида Бўка тумани аҳолисига тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш, ҳолатни намунавий шаклга келтириш вазифаси юклатилди. Исчи гуруҳ аъзолари тумандаги тиббиёт ходимлари малакасини ошириш, шошилинч,

тез тиббий ва ихтисослаштирилган ёрдам кўрсатиш сифатини таъминлаш, аҳолининг соғлом турмуш тарзига амал қилиш кўникмасини шакллантириш, жисмоний фаоллигини қўллаб-қувватлаш, касалликлар профилактикасининг самарали чораларини кўриш, оналик ва болаликни, репродуктив саломатлиқни муҳофаза қилиш, санитар-эпидемиологик ҳолатни барқарорлаштириш чораларини кўрмоқда.

Давоми 2-бетда ➡

«САЙЁР ҚАБУЛЛАР» КЎП, НАТИЖА ҚАНДАЙ?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Даврон Назармухамедов жорий йилнинг апрель-май ойларида "Ички ишлар органлари фаолиятига доир масалалар" юзасидан вилоятимиз аҳолиси билан сайёр қабуллар ўтказди.

Оммавий қабулларда жами 463 нафар фуқародан турли йўналишлардаги ариза ва мурожаатлар келиб тушди. Шундан 366 та мурожаат бевосита Тошкент вилояти ички ишлар органлари фаолияти билан боғлиқ. Хусусан, хизматга қайта тиклаш ва ишга кириш, суриштирув ва тергов ҳаракатлари, фуқаролик ва паспорт вазиси, йўл ҳаракати хавфсизлиги йўналиши, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси каби масалалар

шулар жумласидан. Шунингдек, қисман тегишли бўлган бошқа масалалар бўйича 41 та мурожаатнинг аксарияти ижобий ҳал этилди.

Жумладан, паспорт олиш бўйича мурожаат қилган 63 нафар фуқаронинг 47 нафарига Ўзбекистон Республикаси фуқаролиги паспорти, 9 нафарига фуқаролиги бўлмаган шахсининг паспорти ҳамда 7 нафар чет эл фуқароларига мамлакатимизда яшаш гувоҳномалари берилди.

Бундан ташқари, 22 нафар мурожаатчи профилактика инспекторларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича ёрдамчиси лавозимига, 2 нафар ички ишлар идораларига ишга қабул қилинди. 98 нафар фуқаронинг мурожаати жойида ижобий ечим топиб, 43 тасининг ижроси қатъий назоратга олинди.

Ички ишлар соҳасида ишлашни хоҳлардим, – дейди оққўрғонлик Мавлон Исабоев. – Оилавий шароит сабаб ўқий олмадим. Лекин, тизимда ишлаш истагидан бир зум ҳам чекинмадим. Орада ҳарбий хизматни ўтаб

қайтдим. Ҳозирда мавсумий ишлар билан бандман. Сайёр қабулда профилактика инспекторининг ёрдамчиси лавозимига ишга жойлаштирилларини сўраб мурожаат қилдим. Ишга қабул қилишди, бундан жуда хурсандман. Дарҳақиқат, сайёр қабуллар қоғоздаги рақамларга эмас, мана шундай оддий одамлар ҳаётига ўзгаришлар олиб келса, муаммоларига ечим топса, тўсиқларни олиб ташлашга ёрдам берса, шундагина самарали бўлади. Қабулга раислик қилган генерал-майор Д. Назармухамедов вилоятнинг шаҳар ва туманларига шахсан бориб,



Бобур Тўлаганов,
вилоят ИИБ матбуот хизмати

Нуктаи назар

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган 5 та муҳим ташаббус доирасида комплекс лойиҳалар Бўка туманида тажриба тариқасида амалга оширилмоқда. Ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш мақсадидаги мазкур ташаббуслар кенг қулоқ ёзиб, бутун мамлакатни қамраб олмоқда. Ватан тақдирига бефарқ қарамайдиган инсон борки, ташаббусни қўллаб-қувватлаб, унинг фаол иштирокчиси бўлишга интиломоқда.

БЕШТА ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

Юртимиз тинчлигини асраб-авайлаш, ўсиб келаётган авлодни баркамол этиб вояга етказиш ҳар биримизнинг мақсадимиз. Орзу-умидларимиз йўлида узоқ ва яқин давлатларда тобора кучайиб бораётган ёвуз кучлар, бузғунчи тўдалар, жаҳолат ботқоғига бошлайдиган ғоялар ҳақида керагича гапираямиз. Бу, албатта, яхши. Огоҳ бўлиб яшаш – давр талаби. Аммо, тарғибот-ташвиқот аудиторияга қандай таъсир қилапти? Уларнинг самараси учун яна нималар қилишимиз керак?

Лекин, энди ўйлашимизга ҳолат қолмади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган бешта ташаббус бу борадаги барча саволларга жавоб бермоқда. Унинг тўрттаси босқичма-босқич маънавий имунитетни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бешинчи ташаббус эса барчасини умумлаштириб, эзгу савия-ҳаракатни тугал бир кучга айлантиради.

Жумладан, биринчи ташаббус ёшларнинг музыка, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини оширишга, истеъдодини юзага чиқаришга хизмат қилади. Бир сўз билан айтганда, бундай ёндашув билан ёшларимиз маданият-ли инсон бўлиб камол топади.

Нега биринчи галда маданият масаласига урғу берилган? Сабаби, маданият-ли инсон ҳар томонлама етук бўлишга, атрофдагиларга ўрнак кўрсатишга интилади. Давлатимиз раҳбари ёшларимизни маданият-ли бўлишда музыка, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини ошириб бериш заруратини аниқ белгилаб берапти. Мушоҳада қилиб кўрсак, бу омиллар ниҳоятда самарали.

Бойси, музыка маданий ҳаётимизда муҳим ўрин

эгаллайди. Унинг инсон камолотидаги роли ҳақида узоқ гапириш мумкин. Му-сиқа, энг аввало, эшитиш ва сезиш қобилиятини ошириб боради. Бу нафис санъат миллий қадриятлар аҳамиятини, халқ дарди, тили, дилини теран англашга ёрдам беради.

Рассомлик билан шуғулланиш эса нутқ ва тасаввур ривожига ғоят муҳим. Киши



фикрини жамлаб равон, тартиб билан баён этиши, воқеликни аниқ тасаввур қила олиши айнан рассомлик санъати билан машғул бўлишга боғлиқ.

Киши маданиятида адабиётнинг ўрни ҳақида ор-тиқча тўхталиб ўтишга ҳожат йўқ. Бироқ, инсон му-сиқа ва рассомлик нима эканлигини қанчалик ан-гласа, адабиётни шунчалик севади. Миллатнинг но-муси, турмуш тарзига, умуман борлигига қарши бўлган бетайин асарларни қабул қилмайди. Аллақандай "бахномалар"ни адабиёт номи билан суқилиб кириб келишига қандай қарши курашиш мумкинлигини яхши билади.

Санъат фақат эзгуликка хизмат қилиб келган. Ўсиб, улғаяётган ёш ўзи истаган бирор санъат тури билан шуғулланса, истеъдодини тўла намоён эта олса, нафақат ҳаёти, балки Ватанини ёт ва бе-гона таъсирлардан, бало-қазолардан ҳимоя қи-лишга қодир бўлади. Де-мак, му-сиқа, рассомлик, адабиёт ва санъатга ошно қалбдан ҳеч қачон ёмон-лик, хиёнат чиқмайди.

Давоми 2-бетда ➡

Маданиятли инсон маърифатга интилиб яшайди. Кишининг билимдон бўлиши маърифатли эканидан далолат бермайди. Маърифат инсонга қимматли, ҳаётдаги ўрнини ва мақсадини, бурчи ва масъулиятларини аниқлатади. Ўзи сабабчи бўлган қарамлик ҳолатидан чиқишда билимлардан фойдаланишни ўргатади. Бирор масалада қарамлиги йўқ киши эса хайрли ишлар

мустақамлаб боради.

Мана, шу ўринда, биринчи ва иккинчи ташаббуснинг кетма-кетлигига эътибор беринг. Бу сайёҳаракат натижасида ёшларимиз маданиятли, маърифатли бўлиб вояга етади. Моҳиятан шунинг ўзи етарли бўлиб кўриниши мумкин. Лекин, ҳар бир даврнинг ўзига хос хусусиятини ҳисобга олсак, бу кифоя қилмайди.

Замон шиддати олғир ким-

даниятли, маърифатли инсон бу воситаларнинг зарарли томонларини тезда илғайди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш тўртинчи ташаббусда жо бўлган.

Бугун нега китоб мутлоасига бунчалик кўп эътибор берилаяпти? Чунки, барча соҳаларда олиб борилаётган

бадий китоб ўқиган кишининг тасаввур қилиш қобилияти худди кино сўжети ва қаҳрамонларини "Full HD" форматда кўра олишга ўхшаб кетар экан.

Демак, китоб мутлоаси таърифланган барча воқеаларни ипидан игнасигача аниқ-равшан тасаввур қилиш, масаланинг моҳиятини тезда илғаб олишга сабаб бўлади. Афсуски, бозор иқтисодиёти,

нияти ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширади. Бизнинг Шарқ аёлларидаги фазилат, оқиллик ва ҳалоллик бугунги ислохотларнинг самарали кечилишида ниҳоятда зарур. Шу билан биргаликда аёллар банд бўлган оилаларда ажралишларнинг олди олинади. Аёллар ўртасида жиноятга қўл уриш ҳоллари ишсизликдан ёки бирор бир касбнинг бошидан тутмагандан келиб чиқаётгани ҳам бор гап.

Хотин-қизларнинг бандлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Бу борадаги фикр-мулоҳазаларимизни рақамларда ифода қилаймикин бўлсак, айни пайтда хотин-қизларимиз барча меҳнат ресурсларининг 48 фоизини ташкил қилади. Улар орасида 514 нафар фан доктори, 6 академик, 17 сенат аъзоси, 15 нафар Қонунчилик палатаси депутати, 15 нафар Ўзбекистон қаҳрамони бор.

Ташаббус доирасида ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар ўртасида бандликка қўмаклашиш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича самарали фаолият олиб борилади. Бугун намунали оилани шакллантириш, уларнинг тарбиявий салоҳиятини мустақамлаш ва маънавий-ахлоқий муҳитини яхшилаш ҳамда жамиятимизда анъанавий оилавий қадриятларни сақлаш масалаларини ҳал этиш кўп жиҳатдан хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлашга бориб тақалади.

Оилада улғаяётган фарзанднинг маданияти ва маърифати, замон талабларини аниқлаш, китоб мутлоасидаги қўнимчалари онга боғлиқ, демак, ўз-ўзидан аёнки, бешинчи ташаббус ақуловчи эмас, балки ўзидан олдинги бандларни бирлаштириб, тугал бир яхлит кучга, эзгу ҳаракатга айлантирувчи манбадир.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

БЕШТА ТАШАББУСНИНГ ҲАЁТБАХШ ҚУДРАТИ

билан банд бўлишга интилади. Зиддиятлар сабабини тезда аниқлаб, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилиб, ўринли мулоҳазалари билан бошқалардан ажралиб туради. Энг муҳими, кишидаги журъат маърифат сабаб орттиб боради.

Ёшларни жисмоний чиниқтириш, спорт соҳасида қобилиятини намоеён қилишлари учун зарур шароитлар яратиш эса иккинчи ташаббуснинг асоси ҳисобланади. Инсон олдига қандай юксак мақсад қўймасин, унга етишишда ўз устида тинимсиз ишлаши баробарида иродасини чиниқтириши керак. Жисмонан чиниққан инсон сабр-тоқатли, бардошли бўлади. Бундай инсонни спортга жалб қилиш, ўз истеъдодини тўла намоеён қила олишга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш лозим. Чунки, спорт фақатгина соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш билан чекланмайди. У кишида, айниқса, ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини

◀ Бошланғич 1-бетда

саларнинг чиркин ғояларини ҳар тарафга тарқатиб турибди. Бунга қарши тура олиш учун чинакамга ватанпарвар бўлиш керак. Бахту иқболини Ватани равақли, овоз ва ободлигида кўрган ёшни ҳеч қандай куч йўлидан адаштириб, ўзига оғдиролмайди.

Учинчи ташаббусдан ўрин олган вазифа ҳам ниҳоятда муҳим. У бизга бир қатор теран ҳулосаларни беради. Эътибор берган бўлсангиз, ёшларимизни маданиятли ва маърифатли қилиб, уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғуларини мустақамлаш баробарида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш вазифаси илгари сурилаяпти. Бунинг замирида нима бор?

Бугун компьютер технологиялари ва интернетнинг тезкор ва қулайлиги, нафтини ҳеч ким инкор эта олмайди. Замон билан ҳамнафас киши, албатта, компьютер технологияларидан ҳам, интернетдан ҳам фойдаланади. Лекин, ма-

кенг қамровли ислохотлардан аён бўлмоқдаки, кадрлар масаласида анча муаммоларимиз бор. Бир қарашда керакли мутахассислар ҳамма соҳада бўлиб-тошиб ётганга ўхшайди. Лекин, улар орасида давр талабига жавоб берадигани жуда оз. Эътибор берган бўлсангиз Президентимиз, айрим мулозимларни танқид қилганда улар ҳақида, эртанги кундан тасаввурни йўқ, деган гапни ишлатади. Эртанги кундан тасаввур бўлиши учун бугунги ислохотларнинг моҳиятини тушуниш, аниқлаш лозим. Мана бу ислохот эртага бундай мева беради, деб олдиндан кўра билиш эса шахсининг китоб мутлоаси билан қай даражада боғлиқлигида билинади.

Замон шиддати фақат мутахассисликка оид билимларни эгаллаш етарли эмаслигини маълум қилди-қўйди. Тасаввур қила олиш қобилияти айнан китоб мутлоаси билан боғлиқ. Илмий изланишлардан маълум бўлишича, 15 та

деб китоб ўқишни унутдик. Фаровон ҳаётга интилди, лекин орзу-умидларимиз рўёб китоб мутлоаси билан чамбарчас боғлиқ эканлиги ёдимиздан кўтарилиб кетди. Лўнда қилиб айтганда, моддий бойлики деб, маънавийни ўз ҳолига ташлаб қўйдик.

Бешинчи ташаббус – хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини назарда тутати. Орамизда айримлар аёл кишининг ишлашига ҳоҳат йўқ, уйда бола боқиб ўтирсин бўлди-да, деб ўйлайди. Бу тушуна мутлақо нотўғри ва эскирган.

Хотин-қизларнинг бандлиги жамият учун фойдали, уларнинг ҳуқуқий онги ва мада-

ВИЛОЯТИМИЗДА ҚАЙСИ МУАММО ДОЛЗАРБЛИГИЧА ҚОЛМОҚДА?

Бошланғич 1-бетда

Сир эмаски, ҳали-ҳамон ҳудудларда малакали шифокорлар етишмайди. Бу борада Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари, айниқса, орқада қолган. Мутахассислар етишмовчилигини ҳал қилиш бўйича давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19-20 январь кунлари Сурхондарё вилоятига ташрифи чоғидаги ташаббуси асосида Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали ташкил қилинди. Тошкент вилоятида эса бу муаммо долзарблигича қолмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон бўйича тиббиёт ходимлари учун 322,75 штат бирлиги мавжуд. Лекин, 148 шифокор 244,25 штат бирлигидея ишлаб келмоқда. Қолган иш жойи эса вакант ҳисобланади. Шу тариқа, фаолият кўрсатаётган мутахассислар сони мавжуд штат бирлигининг 50 фоизини ҳам ташкил этмайди.

Ишчи гуруҳ ана шу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида тумандаги мутахассислар учун жарроҳлик операцияларини ўтказиш ва даволаш усуллари бўйича семинар-тренинглار ўтмоқда. Шифокорларнинг яшаш ва меҳнат шартини яхшилаш, ёш мутахассисларни жалб қилиш, тиббиёт муассасаларини замонавий жиҳозлаш чоралари кўриломоқда. Бундан ташқари, аҳолининг соғлом турмуш тарзига доир билимларини оширишга ҳаракат қилинмоқда. Беморларни амбулатор шартларда даволаш кўзда тутилган. Уруш фахрийлари ва катта ёшдаги беморларга, чуқурлаштирилган тиббий кўрик хулосасига асосан, мамлакатимиздаги санаторий ва курортларга йўлланма берилиши мақсад қилинган.

Эшитмадим, деманглар!

Ҳар чоршанба – «Инвесторлар кун»

Тошкент вилоятида инвесторлар кун белгиланди, деб хабар бермоқда вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати.



Давлатимиз раҳбари инвестиция масалаларига доир йиғилишда ҳокимият вакиллари ҳар ҳафта-нинг бир кунини инвесторлар билан учрашув ўтказиш учун белгиллаб олиши ҳақида топшириқ берган эди. Шундан келиб чиқиб, Тошкент вилоятида ҳафтанинг ҳар чоршанбаси – "Инвесторлар кун" этиб белгиланди.

Бундан кейин ҳар чоршанба кун вилоят ҳокимлиги, тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари Нурафшон шаҳрида – вилоят ҳокимлиги биносидан инвесторлар билан юзма-юз учрашади, – дейди вилоят ҳокимининг ўринбосари, инвестициялар ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғи Жамил Абдусаломов. – Бунда истиқболли лойиҳаларни кўриб чиқиш, муҳокама қилиш, инвесторга аниқ амалий ёрдам бериш, муаммолар ҳолатларни бартараф этиш йўналишлари бўйича иш олиб борилади. Шунингдек, инвестицион муҳитни яхшилаш мақсадидаги тақлиф ва мулоҳазалар ҳам тингланади.



АДАШГАННИ КЕЧИРМОҚ – МАРДНИНГ ИШИ

Бу хонадонда оила бошлигининг узоқ вақт уйда бўлмагани турли иқтисодий муаммолар туғилишига олиб келганини айтиб ўтиш жоиз. Айниқса, яшаш хонадони эскириб, яроқсиз ҳолга келиб қолган эди. Хозирги пайтда ҳокимлик, маҳалла, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамкорлиги асосида бу оилага ҳар томонлама ёрдам бериш чораси кўриломоқда. Эски уй бузиб ташланиб, ўрнига янги иморат қуриш учун илк ғишт ҳам қўйилди. Оилага моддий ёрдам ҳам кўрсатилди. Б. Мўминов тез орада ишга ҳам жойлаштирилади.

Айнан шундай жиноят қилганлардан бири зангиоталик Абдуғани Аҳмедов эди. Унинг қамалиб кетиши кўп болали оила учун жуда катта мусибат бўлди. Чунки, тадбиркорлик қилиб, бинойидек яшаётган бу йигитнинг диний-экстремистик оқим таъсирига тушиб қолгани оила ҳаётини тескари томонга буриб юборди.

Қўлига кишан солинган-

◀ Бошланғич 1-бетда

даёқ у қилмишдан қаттиқ пушаймон бўлди. Лекин жиноятга жазо муқаррар. Аммо, у ўзини яхши томондан намоеён этиб, қилимишдан тўғри хулоса чиқарганини исботлашга астойдил ҳаракат қилди. Бу эса беиз кетмади. Унга узоқ бўлмаган муддат ўтган Президентимизнинг афвиға эришди.

Бугун Аҳмедовлар хонадонидан ҳам катта хурсандчилик. Айниқса, унинг олти нафар фарзандининг қувончини сўз билан ифода қилиш қийин.

– Бу йигит ўзи яхшигина тадбиркор эди, ўшанда маҳалламизга янги кўчиб келганди, – дейди Тошкент тумани, Кўксарой қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Акмал Раҳматов. – Йўлдан адашгани нафақат ўзига, балки оиласига катта мусибат келтирди. Хатосини тушуниб, пушаймон бўлгани учун Президентимиз уни афв этгани катта савобли бўлди. Жамиятда бир оилага бахт нури ёғилди. Маҳалладошимизнинг бундан буён тўғри йўлга тушиб кетиши учун барча имкониятларни ишга солашимиз.

ЎЗА

УМИДВОР ДИЛЛАРГА МАЛҲАМ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси вилоят кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ шаҳридаги вилоят қон қуйиш станциясида "Ҳар бир болага меҳр-муруват!" ойлги доирасида "Бор меҳримиз сенга, болажон!" широри остида бегараз донорлик хайрия акцияси ўтказилди.

□ Акция

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад тиббий-ижтимоий кўмакка муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, фуқароларни кўнгилли равишда қон топишишга чақириб орқали беморлар ҳаётини сақлаб қолиш ҳамда жамиятда инсонпарварлик ва меҳр-оқибат ғояларини тарғиб қилишдир.

– Албатта, қон касалликларини ўз вақтида аниқлаш, уларга замонавий кимёвий терапиялар ўтказилиши натижасида беморларда қон ва қон маҳсулотларига зарурият туғилади.



– дейди вилоят қон қуйиш станцияси шифокори Холида Ганиева. – Бугунгидек хайрли тадбирнинг анъанавий тарзда давом этиши бизни беҳад қувонтиради. Айниқса, беморга қон қуйиш ҳаёт-мамонт масаласига айланган ҳолатларда унинг қадри янада ошади. Чунки, қон дорихоналарда сотилмайди.

– Бегараз қон топириб, бир инсон ҳаётини сақлаб қолиш савобини ҳеч нарса билан ўлчаб, қийинлаб бўлмас керак, – дейди "Адолат" СДП вилоят кенгаши раиси Умид Шоумаров. – Бугунги акциямиз ҳам анчагина умидвор кўнгилларга малҳам бўлишига ишонамиз.

Ўз мухбиримиз

ЯНГИ ИЗЛАНИШ ВА ИМКОНИЯТЛАР НАМОЙИШИ



имконини бермоқда.

– Фаолиятимизни бошлаганимизга 10 йилдан ошди, – дейди Оҳангарон туманидаги кўп тармоқли "Карим Абдували Ёдгор" фермер хўжалиги раҳбари Анорбой Каримов. – Муваффақиятга эришиш учун тинимсиз меҳнат қилиш, ўз ишини сидқидилдан баҳарлиш лозим. Хозирда маҳсулотларимизни яқин ва узоқ хориз давлатларига экспорт қилиш учун барча имкониятларимиз бор.

◀ Бошланғич 1-бетда

ҳамда замонавий Шарқ маданиятининг турфа жиловларини ўзида акс эттирган.

– Миллий матолардан тикилган либослар, пойабзал ва камарларга қўлда турли безаклар берилган, – дейди Бекобод шаҳрилик хунарманд Мавлуда Андаева. – Ҳар бир ишим ўзига хос бўлиб, ягона нусхада яратилади. Шунга яраша харидорлар ҳам среб.

Танлов натижаларига кўра, "Саноат соҳасида йилнинг энг яхши тад-

биркори" йўналиши бўйича Чирчиқ шаҳридаги "Milk Euro Food" МЧЖ директори Андрей Даньков, "Хизмат кўрсатиш соҳасида йилнинг энг яхши тадбиркори" йўналиши бўйича Кибрай туманидаги "Флавлесс Теет" тиббиёт маркази раҳбари Нодира Раззокова ғолиб бўлишди.

Кибрай туманидаги кўп тармоқли "Чинобод Хайитбоев Сайдулло" фермер хўжалиги раҳбари Сайдулло Хайитбоев "Йилнинг энг яхши фермери" деб топилди.

"Йилнинг энг яхши хунарманди" номига Кибрайлик ёғоч ўймаkori Шавкат Юсупов сазовор бўлди.

– "Ташаббус" кўрик-танлови қилаётган ишмизни муносиб баҳоланишида муҳим аҳамият касб этади ва келгуси режаларни тузишга ёрдам беради, – дейди Шавкат Юсупов. – Биз хунармандлар яратилаётган шароит ва имкониятлар учун Юртбошимиздан фойда миннатдоримиз.

"Йилнинг энг ёш тадбиркори" йўналишида эса Янгийўл шаҳридан "Меъмор-Элнораз лойиҳа" МЧЖ раҳбари Ҳасан-хўжа Рашидов ғолиб бўлди.

Барча ғолиблар кўрик-танловнинг республика босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА

БОЛАНИ МАКТАБГА 6 ЁШДАН БЕРИШ ТЎҒРИМИ?

рилган 10-12 та сўзни эсда сақлаб тақрорлаш, расм асосида мантқий ҳикоя туза олиш, сонларнинг катта-кичикли-

гини ажрата билиши, предметларнинг кўп ё озлигига қараб гуруҳлаштириш, умумлаштириш, таққослашни



ҳамда қисмлардан бутун ясашни билиши талаб этилади.

– Агар бола берилган расм асосида мантқий ҳикоя туза олмаса, ўқиб берилган сўзларни эсда сақлаб қолма-са ва бошқа шу каби топшириқларга таяёр бўлмаса, бу боланинг мактабга чиққан пайтда ўқиш ва ёзишни яхши ўзлаштира олмаслигига, ақлий ишчанлигининг пасайишига, ўқитувчи томонидан берилган топшириқларни ба-жаришда қийналишига олиб келади, – дейди Санжар Абдуқулов. – Бунинг натижасида, болада стресс, таъовузкорлик, инжиқлик, уйқусизлик,

иштаҳанинг йўқолиши, жисмоний ривожланишдаги камчиликлар, бўй ўсишининг орқада қолиши, камқонлик каби ҳолатлар кузатилади, соғлигининг ёмонлашишига, хаттоки, мактабга мослашолмаслигига олиб келади.

Яна бир мулоҳаза. Айрим ота-оналар фарзандларини яхши таълим олсин деган ниятда, рус тилини билмаса ҳам, таълим рус тилида олиб бориладиган синфларга мажбурлаб беришмоқда. Аммо, улар фарзандлари бунга тайёрми ёки йўқлигини ўйлаб, кўришмаяпти. Устига устак, ота-оналарнинг ўзлари ҳам

рус тилида сўзлаша олмайди-лар. Демак, фарзандларига дарс тайёрлашда ёрдамлаша олишмайди.

Мактаб таълим тизимида микрохудоуд деган тушунча мавжуд. Яъни, ўқувчилар ўзлари яшаётган тураржойи яқинидаги мактабда таҳсил олиши керак. Лекин, ота-оналар фарзандим яхши билим олсин, баъзида "обру" (престиж) орқасидан қувиб, номи чиққан таълим муассасаларига болаларини ўқишга жойлашади. Бунинг ҳам бир қатор салбий жиҳатлари бор, – дейди пировардиди психолог.

Ҳаётда баъзан кимдир бошқа бир кишини айблаётганига гувоҳ бўламиз. Бундай вазиятларда ўзини жабрланган деб билган шахснинг гап-сўзларига ишониб қоламиз. Аммо ким ҳақу ким ноҳақ экани судда ойдинлашади. Шу боис, судьядан ҳар бир ишга қонун талабидан келиб чиқиб, синчковлик билан ёндашиш талаб этилади.

Аслини олганда, ҳаётда бировга кўр-кўрона тўхмат қилиш, ноҳақ айблаш ҳеч кимга рўшнолик олиб келмаган. Тўхмат балоси барибир исзис кетмайди. Яқинда Зангиота тумани судида бўлиб ўтган суд мажлисларида бу азалий ҳақиқат яна бир қарра ўз исботини топди.

Хуршид Эргашев 2006 йил сентябрь ойидан 64/14 сонли ЖИЭМнинг навбатчилик қисмида бошлиқнинг тезкор навбатчи-ёрдамчиси лавозимида иш бошлади. У хизмат вазифасини бажариб юрган вақтида маҳкума Малоҳат Мирзамухамедованинг белгиланган тартиб қоидаларини бузганлиги учун танбех беради. Аламзада аёл эса, буни нотўғри тушуниб, ўзини ундан қасд олишни кўнглига туғиб қўяди. Орадан икки йил ўтса ҳамки, у фикридан қайтмайди. 2008 йил 27 октябрь кунини ЖИЭМ навбатчилик қисмида Хуршид Эргашев ёрдамчиси Фахриддин Ибрагимов билан бирга соат 19:00 ларда маҳкумларни тўлиқ ишдан келганликларини текширувдан ўтказди.

Хуршид учрашув хонасига келган фуқароларнинг сонини аниқлаш, навбатчилик қисмига қайтади. Орадан тахминан ўн-ўн беш дақиқа ўтгач, М. Мирзамухамедова учрашув хонасидан чиқиб, навбатчилик қисмига келади-да, Ф. Ибрагимовдан "Хуршид қани?" деб сўрайди. Аммо унинг жавобини эшитишга ҳам сабри чидамай хизмат хонасига қиради-да, Х. Эргашевни "Мен ҳақимда яна ҳар хил гапларни қилиб юрибсиз, ҳали кунингизни кўрсатаман", дея куракда турмайдиган сўзлар билан



БЎҶТОН БАЛОСИ

туфайли бир инсон 11 йил сарсон бўлди

ҳақоратлашга тушади.

Айни шу чоғда кутилмаганда, М. Мирзамухамедованинг тоби қочиб қолади. ЖИЭМга қарашли шифохона врач Нурмухамбет Қўнарбаев келиб, аёлни кўздан кечиради. Маҳкумани бир оз қон босими кўтарилганини аниқлаб, зарур муолажа қилади.

Шундан сўнг аёл баттар жазавага тушганча Х. Эргашев номунига текканини айтиб, шикоят қилади. У шикоят аризасида Хуршид тегаҳоглик қилгани учун бадани кўкаргани, қўл ҳаракати туфайли кофласининг тугмаси ҳам узилиб кетганини ёзади...

Маъмур воқеадан сўнг орадан бир неча йил ўтгач, аёл жазонини "Мен ҳақимда яна ҳар хил гапларни қилиб юрибсиз, ҳали кунингизни кўрсатаман", дея куракда турмайдиган сўзлар билан

жазони ўташни бошлаганман. 2008 йил 20 октябрь кунини Жазони ижро этиш колониясининг директори вазифасида ишловчи З. Фармонов ва тезкор вакил М. Каракуловалар Х. Эргашевга нисбатан тўхмат уюштиришга яширинча кўрсатма беришди. Агар бунга рози бўлмасам, оғирроқ жазо кўллашларини айтиб, кўрқитишди. Уларнинг тазйиқи остида Х. Эргашевга тўхмат қилдим, у номунига текканлиги ҳақида ёлгон ариза ёздим. Шундан сўнг Х. Эргашев ишдан бўшатилиб, жиноий жавобгарликка тортилди, унга нисбатан овоздидан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Ҳозирда жазони ўтаб чиққанман. Бу қилмишим сабабли воқеа етмаган фарзандим вафот этди. Ўзим эса, бир неча маротаба оғир касалликка чалиндим. Айни вақтда Х. Эргашевга

қилган тўхматим учун виждон азоби сира тинчлик бермаяпти. Аслида Х. Эргашев менга таъовуз қилмаган, бу тўхматнинг уюштирилишига З. Фармонов ва М. Каракулованинг қаттиқ босими сабаб бўлган".

Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг кассация инстанциясининг 2014 йил 13 майдаги суд мажлисида жабрланувчи М. Мирзамухамедова судланувчи Х. Эргашевнинг кассация шикоятини қувватлаб, дастлабки тергов ва биринчи инстанция судида Жазони ижро этиш манзил-колонияси ходимларининг тазйиқи остида Х. Эргашевга нисбатан нотўғри кўрсатув берганлигини таъкидлашга қарамадан кассация шикоятни ўзгаришсиз қолдирилди.

Фақат судланувчи Х. Эргашев-Бундан кўринадики, Х. Эргашев томонидан жабрланувчига нисбатан қачон ва қандай шароитда ноқонуний хатти-ҳаракатлар амалга оширилганлиги юзасидан ишончли кўрсатма мавжуд эмас, иш ҳолати ҳам дастлабки тергов органи томонидан батафсил ўрганилмаган. Воқеа тафсилоти, усули, вақти, ҳақиқатда жиноий ҳаракатлар содир бўлган-бўлмаганлиги текширилмасдан, шовша-шошарликка йўл қўйилган.

Бундан ташқари, иш бўйича М. Мирзамухамедованинг тан жароҳатлари олганлигини тасдиқловчи далиллар йўқ. Яъни, ҳақиқатни аниқлаш мақсадида суд-тиббий экспертизаси ўтказилмаган. Унинг қийимидан тушган тугмаси ашёвий далил тариқасида олинмаган.

Бундай вазиятда қонун талаби-га кўра, Х. Эргашевга Жиноят кодексининг 121-моддаси 1-қисми ва 206-моддасининг 1-қисми билан эълон қилинган айблов ўз тасдиғини топмаган ҳисобланади. Шу боис, суд Х. Эргашевни Жиноят процессуал кодексининг 83-моддаси 1-бандига асосан айбсиз деб топиб, реабилитация этишни лозим топди.

Суд муҳокамалари низоҳосида оқланган инсоннинг кўзларида севинч ёшларини кўра эканмиз, халқимиз ҳақиқат эгилади, букилади, аммо синмайди, дея қанчалар билиб айтганига яна бир бор амин бўлдик.

Зафар ШАРОПОВ,
жиноят ишлари бўйича
Зангиота тумани суди судьяси,
Абдусалим МАҲМУДОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

□ Яхши хабар

Энди бизда ҳам мана шундай имконият яратилади. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида "Ўзавтосаноат" акциядорлик жамияти вакиллари иштирокида бўлиб ўтган брифинг-да шу ҳақда маълум қилинди.

ЭСКИ МАШИНАНГИЗНИ ТОПШИРИБ, ЯНГИСИНИ МИНИБ КЕТИНГ!

"Ўзавтосаноат" стратегик режалаштириш дирекцияси бошлиғи Рустам Қодировнинг айтишича, Ўзбекистон автобозорида trade-in амалиёти татбиқ қилинади.

"Мамалякатида автобиллардан фойдаланиш бўйича янги тизим жорий этилиши режалаштирилмоқда, — деди Рустам Қодиров. — Масалан, сиз-

нинг машинангиз бор, 3-5 ёки 10 йил мингансиз, уни янгилamoқчисиз. Лекин, янги машина сотиб олиш учун пулингиз камроқ бўлиши мумкин. Сиз эски, яъни ҳозир миниб юрган машинангизни дилерга топширасиз-да, янги автомотобил ўртасидаги фарқни тўлов қиласиз ва алмаштириб оласиз".

@haqiqatonline

МУНИС ҲАМШИРАНИНГ СЎЗИ ҲАМ ДАВО

Аҳоли саломатлигини сақлаш, уларни тиббий саводхон қилиш, юқумли касалликларнинг олдини олиш каби долзарб вазифаларни амалга оширишда Зангиота туманидаги 16-оилавий поликлиника филиали ходимлари ҳам фаоллик кўрсатиб ишлашмоқда.

□ Тиббиёт

Тиббиёт муассасасининг шифокору патронаж ҳамширалари 3 та: "Юкори Дархон", "Пастдархон" ва "Тинчлик" маҳаллаларида истиқомат қилувчи 9 минг 28 нафар аҳолига хизмат кўрсатиш билан бирга, ҳудуддаги 2 та мактаб, 1 та мактабгача таълим муассасаси билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб боришади. — Муассасамизда тез

тиббий ёрдам шаҳобчаси ҳам мавжуд, — дейди умумамалиёт шифокори Анзират Ботирова. — Чақирувларга ўз вақтида етиб бориб, беморларга биринчи ёрдам кўрсатаймиз. Патронаж ҳамшираларимиз бир ёшгача бўлган болалар, кекса ва ётиқ беморлардан тез-тез хабар олиб туришади.



Дарҳақиқат, тиббиёт муассасасининг Мухайё Туробова, Дилбар Орипова, Васила Рамазонова, Севара Мавлонова каби ширинсўз ҳамшираларини

чин маънода нажот фаришталари, дейиш мумкин.

Ўз мухбиримиз
М. ХИММАТОВ
олган сурат

□ Жараён

Манбаларда келтирилишича, Ўзбекистон ҳудудидида аҳолини рўйхатдан ўтказиш дастлаб 1897 йилда амалга оширилган бўлиб, ушбу рўйхат маълумотлари XIX аср охирида Ўзбекистонда мавжуд оилалар ва аҳоли сони, ёши ва жинси, этник таркиби, туғилиш, ўлим каби демографик жараёнлар ҳақида тасаввур ҳосил қилишга ёрдам берган. Шунингдек, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 ва 1989 йилларда ҳам аҳолини рўйхатга олиш ташкил этилган.

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ — МУҲИМ ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

халқро тавсиялар ва хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда уч бошқинда амалга оширилиши белгилаб берилган. Аҳолини рўйхатга олишни ўтказишга кўмаклашиш бўйича республика комиссияси тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси комиссиянинг ишчи органи ҳисобланади.

Давлат статистика қўмитаси томонидан аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш бўйича қуйидаги ишлар амалга оширилади:

а) муҳим илмий ва олий таълим муассасалари иштирокида аҳолини рўйхатга олиш бўйича илмий-услубий ва қўлланма материаллар тайёрлаш;

б) ҳар бир аҳоли пунктида

аҳолини рўйхатга олишни мувофиқлаштирувчи рўйхатга олиш участкалари мудирлари, давлат статистика органлари ходимлари орасидан сувервайзерлар (назоратчи инструкторлар) тайинланиши таъминлаш;

в) туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда жойларда рўйхатга олувчи ходимларни ўқитиш, шунингдек, рўйхатга олиш варақчаларини синов кўринишида тўлдириш бўйича амалий машғулотлар ташкил этиш;

г) Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда моддий-техник воситаларни сотиб олиш, рўйхатга олиш варақчаларини автоматик тарзда қайта иш-

лаш учун сервер ускуналари, сканер ва бошқа офис техникалари билан таъминлаш учун тендерлар ташкил этиш ва ўтказиш, аҳолини рўйхатга олиш варақчаларини кириштириш, қайта ишлаш бўйича автоматлаштирилган тизим яратиши, автоматлаштирилган тизимнинг шахслар ҳақида ахборот (СТИР, паспорт тизими ва ҳоказолар) олиш учун давлат органлари ахборот ресурслари билан интеграция, аҳолини рўйхатга олиш натижаларини олиш бўйича дастурий воситалар тайёрланиши таъминлаш;

д) Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва ом-

мавий коммуникациялар агентлиги билан биргаликда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш ҳақида SMS-хабарнома жўнатиш, тарғибот ишлари олиб бориш, реклама роликлари чиқариш орқали аҳолини хабардор қилиш.

Рўйхатга олиш натижасида, аҳолининг аниқ сони, ёши, жинси, фуқаролиги, миллати, ҳар бир аҳоли пункти бўйича сони, оилавий аҳоли, маълумоти, уй-жой билан таъминланганлик даражаси, меҳнат ресурслари, иқтисодий фаол аҳоли сони, бандлиги ёки ишсизлиги, даромад олиш манбалари, ногиронлар сони тўғрисида батафсил маълумотлар олинади.

Статистика идоралари аҳолини рўйхатга олиш тадбири натижасида тўпланган маълумотлардан танланма кузатувларни ташкил этишда, мониторинглар юритишда маълумотлар базаси сифатида фойдаланади. Тўпланган маълумотлар ижтимоий-иқтисодий жараёнларни прогноз қилиш, бандлик соҳасидаги сиёсатни белгилаш, ижтимоий сиёсат ва аҳоли саломатлиги бўйича дастурларни яратишда, шунингдек, давлат ҳокимияти органларининг вазифаларини бажариши ва жамиятни ахборот билан таъминлаш учун зарурдир.

Тошкент вилояти статистика бошқармаси

Реклама ва эълонлар

"CAPITAL TRUST INVEST" МЧЖ бошлангич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади!

Очик аукцион савдолари-га АТ "Халқ банки" Тошкент вилояти Бўстонлик филиалининг 10.06.2019 йилдаги №01-04/18-сонли буюртманомасига асосан банк тасарруфидида бўлган Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Нанай ҚФЙ ҳудудидида жойлашган умумий майдони 50.40 кв.м., бошлангич нархи - 60 601 926 сўм бўлган Нанай касса биноси ҳамда Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, Паргос ҚФЙ ҳудудидида жойлашган умумий майдони 70.07 кв.м., бошлангич нархи - 81 055 293 сўм бўлган Паргос касса биноси такроран қўйилмоқда.

Аукцион савдолари 2019 йил 27 июнь кунини соат 15.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 34-уй манзилида бўлиб ўтади.

Ўқоридаги кўчмас мулклар 2019 йил 27 июнь кунини сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2019 йил 12 ва 29 июль кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади.

Ўқоридаги кўчмас мулклар билан тегишли Халқ банки филиали вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида кат-

Бу — қизиқ

ҚИРОЛЛИКНИНГ «ЖЕЗЛИ ҲАССАСИ»

Оркестрни бошқараётган дирижёрлар қўлидаги таёқчани кўрганиз. Бу таёқча қачон пайдо бўлган? Нима учун таёқча билан дирижёрлик қилинади, деган саволларнинг жавоби билан қизиқдик.

XVII-XVIII асрларда Европада дирижёрлар "Қироллик жезли-ҳассаси" номли узунлиги 180 см. келадиган таёқча билан оркестрнинг орқа томонидида туриб, ҳассаси ерга уриб, такти белгиллаб туришган. Албатта, ҳассанинг ерга урилиши натижасида жуда баланд шовқин ҳосил бўларди. Франциялик Люлли исмли бастакор томонидан ўйлаб топилган бу таёқдан анча вақт фойдаланилди. Бир гал Люлли дирижёрлик қилаётган пайтда мусикага берилиб кетиб, ҳасса таёқнинг ўткир учи билан оёғини жароҳатлаб олади ва шунинг оқибатида вафот этади. Шу воқеа сабабли бу узун таёқдан воз кечилди.

XIX аср бошларига келиб, Берлин миллий театрида дирижёр Бернард Ансельм Вебер ичига бузоқ юнги солинган чарм карнай билан дирижёрлик қилади. Шу тарзда оркестрни бошқариш жараёни тақомиллашиб, 1812 йилга келиб, Венада бўлиб ўтган мусикий байрамда дирижёр илк бор қўлида таёқча билан кўришни беради ва бу кўпчилиكنинг эътиборини тортади.

1817 йилда Франк Майн шаҳрида Шпор исмли бастакор ўнг қўлида таёқча билан ҳеч қандай шовқинсиз, юзини ортиқча зўриқтирмай дирижёрлик қила бошлайди. Бу каби бошқарув кенг жамоатчилик ва мусика ихлосмандлари томонидан яхши кўтиб олинади.

Аммо, катта ҳасса ўрнини ихчамгина таёқчага бўшатиб берганига қарамадан дирижёрлар оркестрга қараб эмас, балки тингловчиларга қараб ҳаракатланишарди. Сабоби, томошабинлар қаторида подшоҳ ва унинг амалдорлари, олий табақали жаноблар ва хонимлар ҳам бор эди. Уларга орқа ўгириб дирижёрлик қилиш у даврда катта ҳурматсизлик саналган. Лекин, бастакор Рихард Вагнер бундай тўсиқларга қарамадан тингловчиларга тескари турган ҳолатда дирижёрлик қилишни бошлаб берди. Бундай ҳаракатланиш оркестр ва дирижёр ўртасидаги алоқани мустақкамлади ва оркестрни бошқариш осонлашди.

Мана шундай тарзда оркестрни бошқариш амалиёти тақомиллашиб борди ва XIX асрнинг 40-йилларига келиб бу таёқча дирижёрликнинг ажралмас қисмига айланди.

Ҳозирги кунда ҳам дирижёрлар мазкур таёқчадан кенг фойдаланадилар. Таёқча уларнинг ҳаракатларини аниқ ҳамда тушунарли бўлишига ёрдам беради, шу билан бирга дирижёрга ўзгача салобат бағишлайди.

Замира ҚАЮМОВА,
Ўзбекистон давлат консерваториси талабаси

Дастлаб ҳавасга гулчиликни бошлаган Саодат опа қараса, гулнинг ишқибози ҳам, харидори ҳам кўпайиб бормоқда. Шу тариқа хонаки гуллар етиштириш бўйича оилавий тадбиркорлик-

гулхонада ўтказишди.

Албатта, гул парвариши кишидан алоҳида меҳр ва эътибор талаб қилади. Оила соҳиблари олинаётган даромад ҳисобидан замонавий иссиқхона барпо

этиб, чет элдан келтирилган гул навларини юртимиз иқлимига мослаштириб етиштириш ва кўпайтиришни ният қилишган.

– Яхши кунларда яқинларингизга гул совға қилишни унутманг, –

дейди Саодат опа. – Гул нафақат эзгулик, яхшилик ва гўзаллик рамзи, балки одамлар орасидаги меҳр-муҳаббат ва инсоний туйғуларнинг соф ифодасидир.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

ГУЛ БИР ЁН, ЧАМАН БИР ЁН

ни йўлга қўйди.

Бугунги кунда у камида 15-20 турдаги гул навларини парвариш-лаш билан бирга аҳолига гул кўчатлари ҳам етказиб бермоқда. Томорқадаги гулхонада иш йил ўн икки ой бирдек давом этади. Чунки, ҳар фаслнинг ўз гули ва ишқибози бор. Айни кунларда асосан қора шаҳзода, геран навли гул кўчатларига талаб катта, бюртмалар ҳам шунга яраша.

Ота-онасидан андоза олган оиланинг беш фарзанди – уч қиз ва икки ўғил ҳам гулга, табиатга меҳр қўйган. Турли йўналиш ва касбни эгаллаган бўлишса-да, бўш вақтларини

□ Яхшидан боғ...

Паркент тумани, Ойбек номли маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Мустақиллик» кўчасида яшовчи Саодат Тўхтабоевнинг хонадонидан одам аримайди. Сабаби, хонадон соҳибаси уй шароитида гулчиликни ривожлантириш бўйича маҳалладошлари ва меҳмонлардан зарур маслаҳат ва кўмагини аямайди.



Гулда ҳикмат кўп. У ўсган хонадондан файз-барака аримайди. Гул хонадон соҳибларини ёмон кўздан асрайди, эгасига бахт келтиради.

□ Дарвоқе

Оҳангаронда ғалати бир одат бор – тўйнинг эртасига келин томон куёвни сотиб олади.

Оҳангаронлик воҳадошимиз бу ҳақда "Фитрат.уз" сайтига мурожаат йўллабди. Бу мурожаатга диний уламолар жавоб ҳам беришибди, деб ёзмақда "Олтин воҳа" телеграмм канали.

Кўйида ана шу мурожаат

ри куёвларнинг "нарх"и 50 доллардан юқори эди. Ҳаттоки, яқин танишимнинг опасининг тўйидан кейин 500 доллар сўрашган, лекин улар амаллаб 400 долларга куёвни сотиб олишган. Шундан сўнгина келиннинг ёнига киргизишган.

Ўзимни жиямни уйланганда келинимиз бошқа тумандан бўлганлиги сабабли улар бу "одат"дан беҳабарлигини ва ҳеч қандай пул берилмаслигини айтишган. Шунда ўртоқлари куёвни бермасдан уч кун сарсон қилишган, охири амаккимнинг жаҳллари чиқиб, ўзлари 100 долларни куёвжўраларга беришга мажбур бўлганлар...

Уша пулни олган куёвнинг ўртоқлари дам олиш учун Чорвоққа кетишган. Қайси виждон билан? Қайси инсоф ва ақл билан

қилишган, охири амаккимнинг жаҳллари чиқиб, ўзлари 100 долларни куёвжўраларга беришга мажбур бўлганлар...



САВОЛ: Ассалому алайкум! Мен Оҳангарон шаҳриданман, анча йиллардан буён бизда одат тусига кирган "куёв сотиб олиш" маросими жуда динийликни гаш қилади. Бу "одат"дан ҳабарингиз бор-йўқлигини билмайман, лекин биз тарафда, умуман, Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида никоҳ тўйи ўтгандан кейин куёвни куёвжўралар олиб кетишди ва эртасига келиннинг ёнига олиб келиб, келин тарафдагиларга "сотилди"!

Қанчалик ачинарли ва ҳунук ҳолат! Қизларнинг ота-онаси шунча сарпо, ҳаражатлар билан, шунча йил тарбиялаб вояга етказиб беришдида, яна куёвни сотиб олишлари ҳам керак бўлади.

Турмушга чиққангизга уч йилдан ошди, ўша пайтла-

келин тарафдан шунча пулни олиб, бир кунлик кайф-данман, анча йиллардан буён бизда одат тусига кирган "куёв сотиб олиш" маросими жуда динийликни гаш қилади. Бу "одат"дан ҳабарингиз бор-йўқлигини билмайман, лекин биз тарафда, умуман, Тошкент вилоятининг айрим ҳудудларида никоҳ тўйи ўтгандан кейин куёвни куёвжўралар олиб кетишди ва эртасига келиннинг ёнига олиб келиб, келин тарафдагиларга "сотилди"!

Қанчалик ачинарли ва ҳунук ҳолат! Қизларнинг ота-онаси шунча сарпо, ҳаражатлар билан, шунча йил тарбиялаб вояга етказиб беришдида, яна куёвни сотиб олишлари ҳам керак бўлади.

ЖАВОБ: Ва алайкум асسالом! Уларнинг олаётгани ҳаром. Аввало, уларнинг тиллашлари ҳаром.

Валлоху аълам!

Мулоҳазани сиз давом эттиринг, азиз газетхон!

ТАФАККУР ТУҒЁНЛАРИ



● Агар сизда битта олма, менда битта олма бўлса ва биз уларни алишсак, ҳар иккимизда биттадан олма қолади. Агар менда битта гоё, сизда битта гоё бўлса ва биз уларни алишсак, икковимизда ҳам иккитадан гоё бўлади.

БЕРНАРД ШОУ

Янги ҳовли Тиллаевга ёқди. Юқларни машинадан тушираётганда Қурбонбой бир гап айтиб қолди:

– Сизга энди битта ит лозим, ўртоқ Тиллаев. Ит уйнинг савлати. Албатта, ит боқинг. Ўзим ғалатисини топиб бераман.

Тиллаевнинг итга унчалик ҳуши йўқ эди, индамай қўя қолди.

Қурбонбой хотинларнинг ҳай-ҳайлашига қарамай, полни ҳам ўзи ювди, гиламини ҳам ўзи кўчага олиб чиқиб, қоқиб келди.

– Ия, ия, биз турганда нега энди сиз пол юваркансиз, опа? Ўзимиз қотириб ташлаймиз. Мен гилам қоқайин, сиз томоша қилинг. Аммо-лекин итнинг ғалатисини боқиб керак. Кўчадан кирган одам кироий директор бўлсанг, шунақа ит бок, деб ҳавас қиладиган бўлсин.

Қурбонбой уйни саранжом қилиб бўлгандан кейин ҳам дарров кета қолмади. Ҳовлида анча айланиб юрди. Ит боғлайдиган жойни ўзи белгилади.

– Йўйўқ, ўртоқ Тиллаев, ит масаласини бизга қўйиб бераверинг. Мана, итнинг жойи шу. Кичкинагина, ихчамгина уйча қуриб берсам, итнинг ҳам жони кириб қолади. Хўп, биз кетдик.

Қурбонбой кетди. – Бу киши ким бўладилар? – деди Тиллаевнинг хотини унинг орқасидан бориб эшикни илгаллаб қайтаркан. – Жудаям анигини билмай-



Саид АҲМАД

ди. Магазиндан алюмин тоғорача олиб, итга ялоғ қилиб берибди. Тиллаев идорадан чиқиб, энди машинага ўтираман деб турганида, югуриб келиб қозоғга ўроғлик нарсаси узатди.

– Хўжайин, Қоплонга насиба. Кабобчи ошнамга тайинлаб қўйган эдим, суякни бе-

рига парво қилмай, чой ичарди.

Тиллаев билан Қурбонбой орасида яқинлик пайдо бўлди. Бир кун гап орасида у рўзғордан орттириб, устаскасининг томини ёполмаётганини айтиб қолди:

– Айб ўзимда, ёшлигимдан шунақаман, ўзимга қарамайман, ошна-оғайниларнинг иши битсин, дейман. Ҳа, одам боласидан шу қолар экан. Бўлмаса, промкомби-

йўнатиб келишини тарк қилмади.

Бу орада Тиллаевнинг эски бод касали тутиб, ётиб қолди. Аввалига Қурбонбой келиб, унинг ҳолидан ҳабар олиб турди. Докторлар энди бўлмади, пенсияга чиқинг, деб маслаҳат беришгандан кейин Тиллаев министрликка ариза ёзиб, ишдан бўша-тишларини сўради. Министрлик унинг талабини қондириб, ўрнига бошқа директор тайинлади.

Қурбонбой ўша кун келиб, Қоплонни айлантиргани олиб чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади. Тиллаев Қоплонга анча ўрганиб қолган экан, то ярим кечагача икки кўзи кўчада бўлиб, итни пойлади. Йўқ, Қоплон бедарак кетди.

Қурбонбой ҳам қорасини кўрсатмай қўйди.

Орадан анчагина вақт ўтди. Тиллаев ҳассага таяниб кўча айланини чиқди. Бир маҳал қараса кўчанинг нариги бетида Қурбонбой Қоплонни етаклаб юрибди. Чақирса ит қаради-ю, Қурбонбой қарамади.

Ўша кун янги директор ўғлининг туғилган кунига ўтириш қилиб бераётган экан. Тиллаевга машина юборибди. Эр-хотин боришди. Дарвозадан киришлари билан йўлакда ётган Қоплон уларни кўриб, думини ликиллаб эркаланди.

– Бизнинг ит қалай? – деди янги директор.

– Бу итни танийман, – деди Тиллаев ва нарироқда янги директорнинг чарм тўнини тўғлаб артаётган Қурбонбойга бир қараб, уйга кириб кетди.

натда ҳам, райпода ҳам ошнам бор, юзтагина шифер сўрасам, йўқ дермиди. Сўрамайман. Асло сўрамайман.

– Нечта шифер етмайпти? – деди Тиллаев бепарво.

– Йўқ, хўжайин, сўраманг, складга юз элликта шифер ёзиб берсангиз ҳам олмайман. Сиз билан шу мақсадда ошна бўлмаганман. Бунақа гапни айтсангиз, уйингизга иккинчи қадам босмай кетаман.

Шу-шу бўлди-ю, Тиллаевнинг унга ихлоси ошиб кетди. Шундоқ яхши одам гаражда машина ювиб ўтирма-син, деб уни гараж мудирига муовин қилиб қўйди. Уйига бир юз саксонга шифер, ўттизта тунука тушириб берди. Аммо, Қурбонбой ҳар тушликда келиб, Қоплонни



гона қилма, деб.

– Қурбонбойингиз яхши одам экан, – деди хотини Тиллаев уйга келганда, – бечора жонини фидо қиларман дейди-я. Бола-чақали, камхарж одамга ўхшайди. Иморатини етти йилдан бери битказолмасмиш. Унча-мунча сизга қарашиб юборинг.

Тиллаев хотинининг гапла-

□ Обод хонадон

Бўқа туманидаги "Тошлоқ" маҳалласида истиқомат қилувчи Шерзод Эркинов ва Наргиза Асраева оилада бир-бири-ни тушуниб, турмушнинг паст-баландида елкадош бўлиб яшаб келишмоқда.

«УЙИМ – ЖОЙИМ» ДЕЙДИГАН АЁЛ...

Оила бекаси маҳалладаги мактабгача таълим муассасасида ошпаз бўлиб ишлаш билан бирга пазандалик билан ҳам шуғулланади. Айни пайтда унинг қўл остида ўндан ортиқ қиз қандолат маҳсулотлари тайёрлашни ўрганмоқда.



пазандалик курсларига қатнаб ўқидим ва кўп нарсаларни ўргандим. Очиги, бошида бирор нарса пишириб сотишга уялганман. Бир кун қўшним тўй қиладиган бўлиб қолди ва зиёфат дастурхонига турли ширинликлар, сомса тай-

ёрлаб беришимни илтимос қилди. Пишириқларим меҳмонларга манзур бўлган экан, шу-шу хонадонимдан одам аримайди. Ҳар йили махсус курсларга қатнаб, малакамни ошираман. Ҳафтада икки кун маҳаллаимиздаги боғчада ишлайман. Қолган кунлари шогирдларим билан ширинликлар пишираман. Уч қизим ҳам яхшигина пазанда. Кўп ҳолларда айримларнинг йўқликдан нолиётганини эшитиб қоламан. Нолиш эмас, ҳаракат қилиш керак. Бугун "Ишлайман, рўзгоримни обод қиламан", деган одамга ҳамма шароит бор. Ўзим ҳам шу ҳунарим билан рўзгоримнинг бир четини кўтараяпман, ҳам одамларнинг дуосини олаяпман.

Ҳаётнинг мазмуни шу эмасми, аслида...

Саида АБДУРАУПОВА



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз:
111500, Нурафшон шаҳри,
Тошкент йўли кўчаси, 90.
Тошкент шаҳридаги
офисимиз:
100000, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Қабулхона:
Бош муҳаррир ўринбосари:
Масъул котиб:
Бўлим муҳаррирлари:
Эълонлар ва ҳисоб-китоб бўлими:
Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz / th-tp@inbox.ru

Телефонлар:
(71) 233-64-95, (71) 233-58-85 (факс)
(71) 233-70-10
(71) 233-90-82
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08
(71) 233-65-59, (71) 233-54-10

Тошкент вилояти
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар бонқармасида
2011 йил 12 январда 03-001 рақами
билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер марказида
тервиль ва Тоҳир Маҳмуджоев
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир
Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Назоратчи мусаввиф
Аллома АЗИЗОВА
Навбатчи
Зухриддин РАҲМОНОВ